

ШОИР ВА СИЁСИЙ АРБОБ МУҲАММАД СОЛИҲ – ПАЙҒАМБАР (63) ЁШДА



Шу йил, 20-декабрда, 20 ва 21 асрнинг таниқли шахсларидан бири бўлган Муҳаммад Солиҳ ўзининг муборак Пайғамбар (63) ёшига тўлмоқда.

Олдиндан айтсам, мен ижодкор ёки сиёсатчи эмасман. Муҳаммад Солиҳ билан ҳеч қачон учрашиш ёки ҳамсухбат бўлиш бахтига муяссар бўлган эмасман (афсус). Кўпчилик ижодкорлар ва олимлар каби бир-биримизни ижодимиз ва фаолиятимиз орқали таниймиз. Айтмоқчи бўлганим, куйидаги ёзганларимни миллионлаган Ўзбекистонликлардан бирининг битиклари, деб тушинишингизни истардим.

Шоир сифатида Муҳаммад Солиҳ шеърят мухлисларига 40 йилдан буюн яхши таниш. Унинг ижоди Ўзбекистон қаҳрамонлари ва машҳур халқ шоирлари билан бир қаторда мактаб дарсликларида ўрин олган эди. Биргина шу ҳолатнинг ўзигина унинг ижодкор сифатидаги фаолиятига етарлича баҳо бўлса керак.

Сиёсий арбоб сифатида ҳам Муҳаммад Солиҳ мана, 30 йилдирки, жаҳоннинг кўплаган мамлакатларида танилган ва эътироф этилган.

Эътибор қилсангиз, ҳозирда сиёсат майдонида халқ ғами ва демократия учун курашаётганларнинг айримлари Каримов режимидан адолат топа олмай, айримлари партия билети олиб қўйилгани учун, кимлардир мол-

мулки тортиб олингани сабаб, яна кимлардир ноҳақ ишдан бўшатишгани, яна бирлари ноҳақ қамалгани сабаб сиёсат майдонига кирган. Ҳар бир оқибатга бирон нарса сабаб бўлишини билганим учун бундай сиёсатчиларнинг фаолиятини камситиш ниятим йўқ.

Муҳаммад Солиҳга ўхшаган камдан-кам сиёсатчилар сиёсат майдонига Ҳукумат томонидан туртилмасдан, аксинча, яхшигина мансабга, “Волга” каби хизмат машинасига, ҳукумат телефонига эга ҳолда, халқ ва ватан ғами деб тушган.

Балки Муҳаммад Солиҳ шунинг учун ҳам Ўзбекистон сиёсий муҳолифатининг ташкилотчиси ҳамда сардори сифатида ва Каримовга бас келаоладиган сиёсий арбоб ўлароқ миллионлаган Ўзбекистонликларнинг умидидир. Айнан шу ҳолат сабаб эмасмикан, Каримов ташвиқот машинасининг асосан Муҳаммад Солиҳга қарши қаратилганига.

Биз ҳазрати Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандлар кабиларни “Шайх” дейишга одатланганмиз. Аслида улар шайхдан юқори – шайхлар шайхи, Ҳожагония, Яссавия, Кубровия, Нақшбандия каби йирик тариқатларнинг асосчилари ва пири муршидларидир.

Ҳар бир тариқатда ўнлаган, ҳатто юзлаган шайхлар борки, уларнинг ҳам ўз муршидлари (ўқувчилари, издошлари) бор. Фарқи шуки, бирлари кўпроқ, бирлари кумроқ таниқли, бирларининг муршиди кўпроқ, бирлариники камроқ.

Менинг тушинишимча, айниқса Ўрта Осиё ва Кавказда, ўз ўқувчи ва эргашувчиларига эга бўлган, нафсига қарши мужоҳид бир диний ёки тасаввуфий йўлбошчига нисбатан “Шайх” ибораси ишлатилади.

Сўфийларга, айниқса, уларнинг сардори бўлмиш шайхларга қўйиладиган биринчи талаб ҳам ўз нафсига қарши мужоҳидликдир.

Мен “Шайх” деган иборани

Муҳаммад Солиҳга нисбатан ҳам қўлласам, бироз ошириб юбормадимикан муаллиф, дейишларини ҳам ҳис қилаяпман. Аммо бир эътибор беринг-а, ижодда, сиёсатда, иймонда Муҳаммад Солиҳга қиёслаб ҳам бўлмайдиган шахсларнинг кунда ё кунора унга қилаётган бўхтонухақоратларига тенглашиб, раддия ёки ҳақоратлар билан жавоб бериш ўрнига, аксинча, бардош билан сукут қилаяпти. Бу эса ўз шайхларга хос ўз нафсига ҳокимлик белгисидир.

“Пайғамбарлар тарихи” номли кўп томли диний асар ҳам ўзбек ўқувчиларига Муҳаммад Солиҳ шарофати билан етиб борди.

Ҳозирда расмий ва норасмий фаолият кўрсатаётган ўнлаган “Нақшбандия” тариқати шайхларидан кимга муяссар бўлди “Нақшбандия тариқати” номли рисола ёзиб ўз ўқувчилари (муршидлари) га эга бўлиш?! Юқоридагиларнинг барчаси Муҳаммад Солиҳни нафақат шоир, сиёсий арбоб, балки шунингдек “Шайх” деб ҳам аташга асос бўла олади менимча.

Менинг Муҳаммад Солиҳ ҳақида ёзган бу ҳақиқатларим нафақат Каримовчиларга, ҳатто Каримовга қарши бўлган қатор (асосан ҳасадгўй) муҳолифатчиларга ҳам ёқмаслигини, натижада менга ҳам турли таъна ва ҳақоратлар келишини билиб туриб ёздим.

Мен шунча азиятларни ҳақиқатни айтганим ва ёзганим учун чекаяпман. Майли, бу ҳам шулардан бири бўлсин. Ҳақ (ҳақиқат) йўлида чекаётган азиятларимга бу (фоний) дунёда бўлмаса-да, у (боқий) дунёда тегишли ажр берилар иншоаллох.

Сўзимнинг интиҳосида Муҳаммад Солиҳни муборак Пайғамбар (63) ёши билан қўтлаган ҳолда, унинг ижодий, сиёсий ва диний йўналишдаги фаолиятига Аллоҳдан баракотлар тилаймиз.

Ахмад ҳожи Хоразмий
Буюк Британия,
Стокпорт шаҳри



қўшиғини ёзишда ҳам иштирок этди.

“Кечир мени, мени кечир барча айтган гапларим учун” дейди Жерар Депардьё бу кўшиқда Ўзбекистон диктаторининг кизи Гулнора – Гугушага қараб.

Ўзбекистондаги барча “нодавлат” ва давлат телерадиоканалларида айналаётган ушбу кўшиқда, француз актёри, юқорида келтирилган жумлани, кўшиқ орасида шеър сифатида ўқиб туради.

Аллақачон ўзбек халқи орасида “Очофат малика” номини олган Гулнора Каримова, интернет ижтимоий

Жерар Депардьё, МДХ давлатлари ўзи учун битмас туганмас фойданинг кони эканини аллақачон англаб етган. “Лўлининг эшагини суғор-у, пули ол” мақоли французчада қанақа жаранглайди, билмадим, лекин Депардьёнинг айнан мана шу ўзбек мақолига риоя қилиб яшаётганига қойил қолдим.

Хозирда кўпчиликни ўйлантираётган савол эса мана бу: Гулнора Каримова Жерар Депардьёга қанча ва кимнинг ҳисобидан гонорар беради?

Миллионлар мактаб ўқувчиларини қулдек ишлатиш, бир неча ўнлаб бизнесменларнинг ҳаётини барбод қилиш ҳисобида орттирилган бойлигидан берадими ёки ўзбек халқи тинмай тўлаб келаётган миллий солиқлар ҳисобиданми?

Бир мамлакат президентининг фарзанди сифатида, ўзининг барча сарф харажатларини очиклаши лозим бўлгани ҳолда, Гулнора Каримова бу сафар ҳам, Жерар Депардьёга сарфланган харажат ҳақида маълумот бермайди. “Француз актёрининг гонорарини ким берапти?” деган саволнинг жавобини бугун Гулнора ўзидан бошқа ҳеч кимга айтмайди. Ҳар доимгидек, бу гонорар ҳам давлат миқёсидаги махфий сирга айлантирилади.

Бу сафар ҳам ҳеч нарса била олмадик, чунки ҳамма сукут сақлапти. Қариган чоғида дунё диктаторларидан бири оиласининг қонли пулларига шерик бўлган Жерар Депардьё ҳам, тарик қаби сочилиб кетган ўзбек ҳуқуқ ҳимоячилари ва мустақил журналистлари ҳам ва ҳаттоки “Осмон ҳам сукутда”...

Улуғбек Ҳайдаров

ГУГУША ДЕПАРДЬЕНИ ҚАНЧАГА СОТИБ ОЛГАН?

Ўзбекистон диктаторининг кизи Гулнора янги кўшиқ айтибди. Бу сафар дуэт кўринишида. Дуэтдоши қариоғ-у, лекин жуда машхурлардан. Ўзига Гугуша деб лақаб қўйиб олган диктатор кизи аввал ҳам дунёга донғи кетган Монсерат Кабалье ва Хулио Иглесиас билан дуэт қуйлаганди. Бир вақтлар СССР худудига миллионлаб мухлис орттирган 63 ёшли француз актёри Жерар Депардьё Гулноранинг таклифи билан Тошкентга келди.

Кийим бичиш ва тикиш, кўшиқ қуйлаш жонига теккан Гугуша энди кино соҳасига қўл уриб кўрмоқда.

Ўзига тегишли бўлган ўзбек ОАВда у “Ок пиланинг ўғирланиши” деб номланган тарихий фильм сценарийсини ёзиб тугатганини ва бу фильмдаги ролларнинг бири машхур Депардьёга тегишли эканини айтган эди.

Ноябрь ойининг сўнгги ҳафтасида Тошкентга етиб келган француз актёри, фильмдаги ўзининг иштироки бор саҳналарни ўйнаб бўлгач, Гугушанинг “Осмон сукутда” деб номланган

тармоқларида, бу кўшиқнинг матнини ҳам, куйини ҳам ўзи ёзганини айтиб, кўшиқни ёзиб олиш жараёнида олинган фотосуратларни Твиттердаги саҳифасида чоп ҳам этибди.

Кўшиқ, интернет оламида ҳам анчайин танилгани айтимокда, бироқ бунга сабаб Гугушанинг “ёқимли” овози эмас. Ижтимоий тармоқларда ёзилган фикрларга кўра, айнан Жерар Депардьёнинг ижрочи сифатидаги номи “Осмон сукутда” кўшиғи жойланган саҳифадаги “Play” тугмасини мажбур қилапти.

Францияда актёргина эмас, ресторанлар соҳибни ва йирик вионофуруш савдогар сифатида ҳам ном қозонган Жерар Депардьёни собиқ Совет Иттифоқи республикаларининг ҳукмдорлари тез тез қорлаб туришади. Хусусан, Депардьё Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев ва унинг кизлари уюштираётган дабдабали зиёфат-у, базмларнинг доимий иштирокчиси. У Қозоғистондаги йирик банклардан бирининг акциялари ҳам шериклик қилади. Умуман,

ҚАНДИНГИ УР, ТЕРГОВЧИ!


Қарши шаҳрида Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамиятининг (УИХЖ) Қашқадарё вилоят бўлими раиси Гулшан Қораевага нисбатан таъқиблар давом этапти. Ўтган хабарларимиздан маълумки, Қарши шаҳар Ички Ишлар Бўлимидининг терговчиси Илҳом Шералиев Гулшанга қарши Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 139 моддаси – “Тухмат” ва 140 моддаси – “Ҳақорат қилиш” моддалари билан айблов эълон қилганди. Бу иш шу йилнинг октябрь ойидаёқ судга ўтказилган бўлсада, лдекин ҳали ҳамон Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди бу иш юзасидан ўз қарорини бера олгани йўқ.

Балки бу масала атрофида шов-шув кўтарилиб кетгани боисдир. Балки уларнинг виждонлари қийналиб қолгандир (агар виждон бўлса), ёинки халқаро ташкилотлар олдида изза бўлишни истазмаётгандир. Бу борада фақат тахмин қилиш мумкин ҳолос.

Судда Гулшанни қандай қилиб айблашмоқчи. Жиноят ишини очиш учун Гулшаннинг УИХЖ сайтида “Қачон терговчилар оқни қорадан ажратишни ўрганишаркин?” деб

номланган мақоласи асос бўлганди. Бу мақолани куйидаги линк орқалик кўриш мумкин: <http://uz.hrsu.org/archives/4102>. Бундаги “Сизнинг қўл остингиздаги қонун посбонлари ардоқлаётган она-бола “жабрланувчилар” аслида бошқаларга жабр етказувчилардир” дейилган сатрлардаги жумлалар терговчи томонидан “Сизнинг қўл остингиздаги қонун посбонлари ардоқлаётган она-бола “жабрланувчилар” аслида бошқаларга жабр етказувчи фоҳишалардир” дея сохта-лаштирилганди.

Эндики келаётган янги маълумотларга қарайдиган бўлсак, фақат шугина эмас экан. Илҳом Шералиев нафақат сохтакорликда, ўз ишини ҳам билмасликда ҳеч кимдан кам эмаслигини баралла овозда таъкидлай оламиз. Гулшан ўзига атаб битилган жиноят ишида оқ қоғозга бир қанча мақолаларнинг кўчириб босилганлигини айтади. Мана шу қора қилинган оқ қоғозларнинг бир нечитаси бизга етиб келди. Айблов уни uznews.net, ferghana.uz, uzxalqharakati.com сайтларида эълон қилинган мақолалар учун ҳам айбдор қилмоқда. Мана улар қайсилари.



“Сколько стоит донос в СНБ Узбекистана?” <http://www.uznews.net...>

“Тошкентдан борган диндор Қарши шаҳар ИИВда ўлдирилди” <http://www.uzxalqharakati.com/...>

“Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари фаоли дўппосланган” <http://www.bbc.co.uk/uzbek/...>

“Режим фоҳишаларга мурожаат қилаяптими”!? <http://uz.hrsu.org/...>

Ҳозирча бизгача етиб келгани шулардир. Эҳтимол, 140 – “тухмат” моддаси учун МХХга донос бериш қанча туриши ҳақидаги мақола асос қилиб олинган бўлса ҳам ажаб эмас. (Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Лекин бунинг тухмат эканлигини МХХ қандай қилиб асослайди? Айб-сизлик призупциясига кўра, Гулшан ўзининг ҳақлигини исботлаб бермайди, балки тергов томони унинг айбдор эканлигини исботлаши керак.

ҚАНДИНГНИ УР, ТЕРГОВЧИ!

Тошкентдан Қаршига бориб ИИБ да ўлдирилган диндор ҳақидаги материал эса Тошкентда яшайдиган УХХ муштарийларидан биридан келган хабар эди ва бунинг учун ҳам Гулшан Қораева айбдор! Нега? Негаки унинг акаси, яъни камина Тўлқин Қораев УХХ аъзоларидан бириман.

“Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари фаоли дўппосланган” дея хабар тарқатаётган Би-Би-Си ўзбек хизматининг ўзини нега халқаро судга торта олишмаяпти? Балки Гулшан ҳақида Би-Би-Си берган материал учун Гулшаннинг ўзи судда жавоб бериши керак.

Ҳаммасидан ажойиби эса, ЎИХЖ саҳифасидаги “Режим фоҳишаларга мурожаат қилаяптими!”? <http://uz.hrsu.org/archives/4097> деб сарлавҳаланган хабар бўлибди. Сохтакорликни ўзига касб қилиб олган терговчи Илҳом Шералиев бу ерда ҳам хабар текстини ўзгартириб олган. Ундаги “Режим фоҳишаларга мурожаат қилаяптими?” дейилган жумлани у қуйидаги шаклга келтирган: “Режим фоҳишаларга мурожаат қилаяптими!? (Ойдин ва Барнони назарда тутаман)”.

“Қандингни ур Каримовнинг терговчиси!” дейиш керак Илҳом Шералиевнинг бу “топоғонлигига” қойил бўлиб. Бу Ўзбекистон тергов ва суд тизилмаси. Бунда исбот, далил, гувоҳлик кўргазмаси, экспертиза хулосаси каби кишининг меъдасига теккан жумлалар ҳам керак эмас. Терговчи билан прокурор айтдимми, бас! Суд ўз қарорини чиқаради, Ўзбекистон Конституциясининг 29-моддасида Ўзбекистон фуқаросининг ахборот излаш ва тарқатиш ҳуқуқлари келтирилади. Демак жиноят иши мамлакат бош қомусига ҳам зид, лекин бу бизнинг Ўзбекистонку ахир. Бунда қонунларни, ҳаттоки конституцияни ҳам уни қуриқлашга масъул бўлганлар оёқ ости қилишади.

Албатта келтирилган айбловлар Гулшан Қораеванинг “қулоғини чўзиб қўйиш” учунгина етарлиқдир. Балки келажакда “Ҳизб-ут-таҳрир”га аъзолик, балки қандайдир террорчи исломий жамоага раҳбарлик қилгани каби уйдирмаларни ҳам тўқиб ташлашар. Бошқача бўлиши мумкинми бу авторитар Ўзбекистонда?

Тўлқин Қораев,
Швеция

Яқинда уйимиз бекаси кўлимга рўйхат тутказиб, рўзғорга у бу нарса харид қилиш учун бозорга жўнатди. Бозорга яқинлашарканман, рўйхатга қараб, харид қилишни нон растадан бошлашга қарор қилдим. Растада ажиб бир манзара: яқинлашишнинг билан иссиқкина бўрсилдоқ ширмойи нонларнинг ҳиди гуп этиб димоғингизга урилади, иштахангизни қитиклайди. Раста харидор билан гавжум, нон ҳам сероб. Раस्ताдаги оламоннинг шовқинидан гаврагансиб турганимда, бир четда ийманиб, жимгина ўтирган ўрта ёшлардаги новвой аёлга кўзим тушди. Унга яқинлашиб бориб:

НОВВОЙ ВА ПРЕЗИДЕНТ: КИМ РОСТГҲЙ, КИМ ЁЛҒОНЧИ?



– Синглим, нонингиз неча сўмдан? – деб сўрадим.
– Келинг, амаки, ноннинг донасини икки ярим минг сўмдан сотаяпман, – деди у менга жавобан.
– Намунча киммат? Сал арзонлаштиринг, – дедим.
– Вой, нега бўларкан, қаранг қандай чиройли нонлар. Ҳолис Қозоғистон унидан ёпилган. Унинг бир халтасини юз минг сўмдан оляпмиз.
У яна сўзини давом эттириб:
– Ўзингиз билсангиз керак, газ йўқ. Шуни учун тандирга ўтин ёқаяпмиз. Ўтиннинг бир тутами ёки кўмирнинг бир халтаси фалон пул. Шундай бўлгач, нон ҳам киммат бўлади-да, амаки, – деди-да, қўлига доғланган ёғ билан намланган матони олиб уни нонининг бетига охиста суркай бошлади.
– Менга қаранг, синглим, агар-да Қозоғистон уни киммат бўлса, ўзимиздаги буғдой унидан нон қилиб сотсаларинг бўлмайдими, ўзимизнинг ун арзон бўлса керак, – дедим мен. – Мана бу йил мамлакатимизда ғалла мўл бўлди, бу ҳақда матбуот, радио-телевидениеда роса мактаннишди.
– Эҳ, бу гаплар ҳаммаси қоғоздаги курук гаплар, ишонманг уларга. Менга ишонмасангиз, ўзингиз истаган савдо дўконига кириб сўранг-чи, ўзимизнинг буғдойдан ўзимизда ишлаб чиқарилган ун бормикан. Тополмайсиз! Топилганда ҳам сифатсиз, мана бундаканги чиройли нонлар ёпиб бўлмайди ундан, хаамири тандирга ёпишмай оқиб тушади. Ишонмасангиз, мана бошқалардан ҳам сўранг. У менга кулимсираб қаради-да:
– Мен ёпанг нонлар рекламага мухтож эмас, ўзингиз кўриб турганингиздек мижозларим, Худога минг қатла

шукур кўп, – деди. Дарҳақиқат, харидорлар бирин-кетин келиб, савдолашиб ўтирмасдан пулларини ташлаб, унинг нонидан олиб кетишар эди. Қарасам нон тугай деб қолибди, мен ҳам индамай беш мингги новвой аёл кўлига тутказдим-да, икки дона нон олиб, растани тарк этдим.

Яна нималар харид қилишим керак экан, деб чўнтагимдаги рўйхатга қарадим: шакар, ёғ, макарон, ун, чой, туз, кир ювиш воситалари ва ҳоказо. Озиқ-овқат дўконига кириб, сотувчидан ўзимизда ишлаб чиқарилган ун борми деб сўрадим. Йўқ жавобини олгач чиқиб кетаётган эдим:

– Сиз яхшиси Қозоғистон унидан харид қилинг, у жуда рўзғорбоп ажойиб ун, – деди у икки килодан қилиб қадоклаб қўйилган Қозоғистон унини кўрсатаркан.

Ҳафсалам пир бўлиб, бошқа дўконга ўтдим. У ерда ҳам ўша «йўқ» жавобини эшитдим. Учинчи, тўртинчи, ... дўконлар. Хулласи, ўзимизнинг ун топилмагач, киммат бўлса-да (икки килограмдан қилиб қадокланган олий навли Қозоғистон уни сотувда беш минг икки юз сўм атрофида экан), Қозоғистон унидан харид қилишга тўғри келди.

Одатим бўйича, савдо дўконларидан қадокланган бирор бир озиқ-овқат маҳсулотини харид қилсам, унинг ярқилилик муддатига эътибор қиламан. Бу сафар ҳам шундай. Тошкент шаҳридаги «ХК SULTON TEMURBEK YAGONA» корхонасида ишлаб чиқарилган «Ягона» макарон маҳсулотининг бир пачкасини кўлимга олиб, ёзувларини ўқирканман, кўзим «Ушбу маҳсулот юқори сифатли мустаҳкам навли Қозоғистон ва Россиядан келтирилган буғдой унидан ишлаб чиқарилган», деган ёзувга тушди. Очиғини айтсам, тушунмагандай бўлиб ёзувни қайта ўқирканман, бақириб юборишимга сал қолди. Сабаби, ҳозиргина нон растасида новвой аёлнинг «Ўзимизда ишлаб чиқарилган унни савдо дўконларидан тополмайсиз, топган тақдирингизда ҳам ундан нон ёполмайсиз» деган башорати эсимга тушди. Ваҳоланки, президент Ислоҳ Каримовнинг жорий йил ғалла йиғим-терими мавсуми тугаши арафасида Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида Республика бўйича етти ярим миллион тоннадан ортиқ сифатли дон маҳсулотлари йиғиштириб олингани, ўтган қисқа давр ичида ватанимиз ғалла мустақиллигини қўлга киритгани, ҳозирги кунда нафақат ўттиз миллионли халқимизнинг ғаллага бўлган эҳтиёжини қондирилгани, аини пайтда четга дон экспорт қиладиган давлатлар даражасига эришилгани тўғрисида баландпарвоз жумларар бор.

Юқорида баён қилинганлардан ҳақли савол туғилади: бу борада ким ростгўю, ким ёлғончи?

Эгамқул Худойқул

Кўрсатувда янграши кутилаётган янги далил-исботлар Телиасонера ширкати ичидаги икки гувоҳнинг кўрсатмаларига асосланади.

Айни дамда SVT хабарига кўра, Телиасонеранинг бошқа икки юкори даражали мулозими швед полицияси томонидан расман порахўрликда айбланаётганлари борасида огоҳ қилинганлар.

Телиасонера ширкати раҳбари Ларс Найберг ўз ширкати порахўрлик йўли билан шартномалар тузганини рад этади.

Гулнора Каримова эса SVT ва ВВСнинг муурожаатларини жавобсиз қолдириб келмоқда.

“ТЕЛИАСОНЕРАНИНГ ИККИ ХОДИМИ КАРИМОВАГА БОҒЛИҚ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛДИ”

Швециянинг SVT телеканали ўтган куни ўзининг нуфузли “Уппдрог Гранскнинг” теледастурида Телиасонера ширкати Ўзбекистонда телекоммуникация бозорига кириш учун И.Каримовнинг оиласи билан музокара қилгани борасида янги далил-исботни тақдим этиши кутилади.

SVTнинг журналисти Фредрик Лорнинг айтишича, муурожаатларнинг бирига Каримова хоним раҳбарлик қилувчи Фонд Форум ташкилотидан жавоб келган, бироқ бу жавоб хатида айбловларга муносабат билдирилмайди ва Фонд Форум бу журналистнинг кимлиги, кимлар билан суҳбатлашаётгани ва қаерда эканидан огоҳ экани айтилади.

SVT Фонд Форумдан бу жавоб хати таҳдид сифатида кўрилиши керакми ё йўқлигини сўраб ёзган хатига, Фонд Форум жавоб бермаган.

Ўтган баҳорда SVT телеканали Телиасонера ширкати Марказий Осиёдаги бозорга кириш учун “диктаторлар” режими билан музокара қилгани, ҳамда ширкат ўзбек хавфсизлик хизматларига ўз истеъмолчилари борасидаги маълумотлар ва СМСларини кўришга йўл очиб бергани даъво қилганди.

Сентябр ойда узатилган яна бир телекўрсатувда Телиасонера Гулнора Каримованинг яқин шериги ҳисобланган 24 ёшли Гаянэ Авакян назорат қилувчи Гибралтардаги компания ҳисобига 250 миллион доллар тўлаганини даъво қилган.

Швейцария терговчилари Гаянэ Авакяни пул ювиш айбловлари борасида сўроққа туттишни истайдилар, бироқ охириги маълумотларга кўра, Авакян хоним Тошкенда.

Ноябр охирида Гулнора Каримова ўзининг Твиттер саҳифасида ўзи ва Авакян Тошкенда ўтган рок концертда тушган суратини чоп қилди ва уни “Бу биз, дугонамиз билан – БИЗ!!!” дея номлади. Бироқ кўп ўтмай, Каримова хоним бу суратни саҳифасидан ўчириб ташлади.

“Уппдрог Гранскнинг” хабарига кўра, Гулнора Каримовага ишлаган Бехзод Аҳмедов ва Гаянэ Авакян каби шахслар кўп юзлаб миллион долларлик банк ҳисобларини бошқарганлар.

Лорин: Бугунги кўрсатувимиз биз Гулнора Каримовага Швециянинг йирик Телиасонера телеком ширкати бергани гумон қилинган поралар борасидаги хабарларимизнинг давомидир. Телиасонера ширкати ичидаги иккита манба биз билан боғланиб, 2007 йил баҳорда Гулноранинг одамлари ва Телиасонера ўртасидаги музокаралар аслида қандай юз берганини айтиб беришди. Уларнинг айтишича,

Ўзбекистонда мобил телефон ширкатини юргизиш учун Гулнора Каримова билан келишиш керак бўлган ва у бунинг учун тўлов талаб қилган. Бу икки манба бунинг учун рақиб МТС ширкати раҳбари Бехзод Аҳмедов билан музокара олиб борганлар.

ВВС: Демак, сизнинг манбаларингиз даъво қилаётгани шуки, Телиасонера вакиллари 2007 йилдан Coscom ширкатини сотиб олиш режаланаётганда Тошкентга боришган ва рақиб МТС телеком ширкатининг раҳбари Бехзод Аҳмедов билан музокара қилишган. Кўп одамларнинг бунга ишониши қийин бўлиши мумкин. Аҳмедов МТС ширкати раҳбари бўла ту-

риб, нима учун бошқа ширкат учун музокара қилади?

Лорин: Манбаларимиз айнан шундай дейишмоқда. Бу мантиксиз бир ҳолат бўлган. Кўрсатувни кўрсангиз, айнан шу гаплар янграйди. Улар Тошкентдаги рақиб МТС ширкати идорасида ўтирганлари, бизнесни бошлаш учун керак бўлган лицензияни олиш учун Гулнора Каримованинг номидан Бехзод Аҳмедов билан музокаралар олиб борганларини айтиб беришди. Улар Аҳмедовнинг бу ишга аралашганидан жуда ҳайрон бўлишган. Лекин, Ўзбекистонда бизнес қилиш йўли шундай эканини англаб етишгач, пулни тўлашган.

ВВС: Лекин, Бехзод Аҳмедов Гулнора Каримовага қандайдир алоқаси борлигига қандай исбот бор?

Лорин: Бизга манбаларимиз шундай дейишяпти. Улар келишувлар ҳақида батафсил гапириб беришди. Биринчидан, бу келишув Телиасонеранинг йиллик ҳисоботида ҳам акс этган.

Унда 26 фоиз ҳиссалар маҳаллий ширкатга берилиши, сўнгра Телиасонеранинг ўзи икки йилдан кейин 250 миллион долларга бу ҳиссаларни қайта сотиб олиши айтилади. Пул эса Швейцариядаги хусусий Ломбард Одиё банкидаги ҳисобга ўтказилиши айтилади. Бу ҳисоб учун масъул шахс Бехзод Аҳмедов бўлиб чиқди, лекин аслида афтидан ҳисобнинг эгаси Гулнора Каримованинг ўзи. Каримованинг котиби Гаянэ Авакян бу йил июлида Женевага бориб, бу ҳисобдаги пуллари чиқариб олишга уринди.

Банк унга “Ҳисоб сизники эмас, Аҳмедовники” деганида, у ўзи ҳам ҳисобга масъул шахслардан бири эканини тасдиқловчи ҳужжатлар билан қайтишини айтган, лекин қайтиб келмаган. Банк эса полицияни огоҳ қилган ва бунинг ортидан Швейцариядаги терговлар бошланиб кетганди.

ВВС: Сизнинг манбаларингиз Тошкентда Бехзод Аҳмедов билан бўлган музокараларда Гулнора Каримов исми янграганини айтишдимиз? Яъни, бу сир тутилган нарса бўлганими, ёки унинг номи музокараларда янграганими?

Лорин: Улар учун бу пул Каримовнинг оиласига бориб тегиши ва келишув ортида Гулнора Каримова тургани аён бўлган.

ВВС: Охириги хабарингизда айтилишича, 2007 йил сентябрида ўзбек ҳукумати Телиасонерага 3G лицензиясини берган, лекин у тўғридан тўғри Швеция томонида берилмай, 17 кун аввал очилган янги бир ширкатга берилган ва бу ширкат сўнгра лицензияни Телиасонерага сотган. Шундайми?

Лорин: Бу аслида сиз айтаётганингиздан сал мужмалроқ. 2007 йил баҳорда тўланадиган пул ҳажми ва келишув қандай шаклда бўлиши борасида келишиб олинган. Чунки икки томон пулнинг яширин йўллар билан тўланишини исташган. Бу яширин келишувга биноан, лицензияларни ўзбек ҳукумати Teleson Mobile номли ўзбек ширкатида топширадиган бўлган. Бу ширкат сўнгра лицензияларни Гибралтарда жойлашган Takilant Limited ширкатида ўтказадиган бўлган. Унинг эгаси Гаянэ Авакян бўлган. Мана шу ширкат Швейцариядаги Ломбард Одиё банкидаги ҳисобнинг эгаси бўлган. Охирида Телиасонера 250 миллион долларни ана шу ширкатга тўлаган.

ВВС: Швецияда Телиасонеранинг икки юкори даражали расмийси ўзбек иши билан боғлиқлигидан расман порахўрликда гумон қилаётганини хабар қилдингиз. Бу борада яна нима дея оласиз?

Лорин: Бу ҳам янги бир хабар. Швеция полицияси порахўрлик ва пул ювиш бўйича олиб бораётган ўз терговни асосида Телиасонеранинг Швейцариядаги икки юкори даражали расмийсини порахўрликда расман гумон қилаяпти.

ВВС: Бу сизнинг журналистик тадқиқотларингизга боғлиқми, ёки унинг натижасими?

Лорин: Барча терговлар бир-бири билан боғланиб кетган. Полиция олиб бораётган терговлар ва Ўзбекистон, Прага, Лондон, Швейцария ва Швециядаги журналистлар олиб бораётган терговлар барчаси бир-бири билан боғлиқ.

ВВС: Сиз бугун янграши кутилаётган “далил-исботлар” борасида Телиасонеранинг ўзидан муносабат олишга уриндингизми?

Лорин: Тўққиз ойдирки биз бу ширкатнинг бош директоридан муносабат олишга уриниб келамиз, лекин у барча ҳаракатларимизга чап бериб келади ва бирон марта биз билан мулоқот қилмади.

Лекин ўтган сентябрда у швед радиоси орқали чиқиб, барча айбларни рад этиши, ва агар Ўзбекистон билан келишувда порахўрлик юз берган бўлса, истеъфога чиқишини айтган.

ВВС: Гулнора Каримованинг ўзидан муносабат ола олдингизми?

Лорин: Биз телефон, электрон почта, Твиттер орқали, умуман у билан боғланиш мумкин бўлган ҳар қандай эҳтимолий адресларга муурожаат қилиб келаямиз. Ҳозирча фақат бир марта жавоб олдик. У Фонд Форум ташкилотининг вакилидан бизнинг сентябрда эфирга узатилган кўрсатувимиздан олдин келди. Ғалати жойи шуки, бу мактубда айбловлар рад этилмади. Лекин, унда менинг қаерда эканим, қачон қаерларга борганим, кимлар билан учрашганим ҳақида уларга маълум экани айтилади.

Мен ва муҳарририм буни таҳдид сифатида талқин қилиш керакми, деб сўраганимизда, бошқа жавоб бўлмади.

2012 йил ҳам якунига етиб келди. Дунёнинг хар бурчида бўлган ўзгаришлар, инқилоблар ва хар хил бўҳронлар Ўзбекистон ва ўзбекистонликларни четлаб ўтди. Мамлакатнинг мутлоқ хокими, диктатор Ислоҳ Каримовнинг ўзбек фуқароларидан тортиб, йирик “демократик” давлатларнинг президентлари бурнига ўтказиб олган иплари бу йил ҳам узилмади.

ЎЗБЕКЛАРГА КРЕДИТ ЭМАС ЭРКИНЛИК ЗАРУР!

Иплар, аксинча пўлат симларга айланди.

Дунёдаги барча ҳуқуқ химояси билан шуғулланувчи ташкилотлар Ўзбекистон президенти сиёсатини репрессив деб аташни давом этдирдилар, унинг номини “энг, энг, энг” ёмонлар рўйхатига тирқадилар. Хаттоки француз судяси Ўзбекистон президенти номи олди-га кўрқмасдан “Диктатор” атамасини кўшишга расман рухсат берди. Лекин, ажабки, бу ҳаракатлар диктатор Каримов билан ҳамкорликка интилган давлатлар сонига таъсир қилмади. Бу давлатларнинг раҳбарлари бугун ўзбек миллатининг кушандасига айланган Ислоҳ Каримов билан ўзларининг гоҳ яширин гоҳида эса ошкорча ҳамкорликларини давом эттирмақдалар. Бу ҳаммага маълум ҳақиқат.

Дунё банклари эса, асосий ишга яроқли фуқаролари бошқа мамлакатларда мардикорлик қилаётган Ўзбекистонга кўп миллионли кредитларни кўш қўллаб тутқазаяпдилар. Мамлакатимизда диктатор Каримов оиласи бор экан, бу кредитлар ҳеч қачон сўралган мақсадлар учун сарфланмаслиги аниқ. Ўзбек халқининг елкасидаги татуировка сингари ўчмайдиган сиёҳларда ёзилган “ҚАРЗ” деган ёзувлар эса бу йил янада кўпайди.

Биргина мисол: Осиё Тараққиёт банки Ўзбекистонга 17 йил мобайнида 3 ярим миллиард доллар миқдорда кредит берибди.

Кредитларнинг ҳаммаси жуда ҳам муҳим жабхалар учун олинган. Масалан, 2010 йилда Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонни Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан боғловчи барча йўллар таъмири учун 600 миллион доллар кредит ажратган ва ўша йилиёқ ушбу кредитнинг 115 миллионли биринчи транши Ислоҳ Каримов учун ўтказиб берилган.

Бироқ ҳозиргача, айтиб ўтилган йўлларнинг реконструкцияси бошлангани ҳақида бирон жойда хабар чиққани йўқ...

Осиё Тараққиёт банкининг кўнгли бўш директорлари, бечора ўзбекларнинг ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун 2010 йилда 140 миллион доллар ажратилган экан.

Сув таъминоти учун Ўзбекистон деярли хар йили турли банклардан кредитлар, грантлар олсада, ҳозиргача республика вилоятларида тоза ичимлик сувининг танқислиги сезиларли ўсган. Ҳоҳлаган вилоятда яшайдиган дўст биродарларингиз, таниш билишларингиз буни тасдиқлаши мумкин.

Хар йили қишда совуққа қотиб, ўтин кўмир қидирадиган

Ўзбекистонга кириб келаётган кредитлар оқими кўпайиб бораёпти. Нуфузли банкларнинг Директорлар кенгаши, Ўзбекистон ҳукуматининг хар қандай лойиҳаси учун миллионлаб долларларни миқ этмай ўтказиб беришяпти. Улар ҳам анойи эмаслар, билишадики, бу кредитлар вақти келиб фоизлари билан қайтарилади.

Афсуски бу қарзларни, ўзлари учун саройлару, кўнгилоҷар масканлар қуришга, хориждаги муҳолифларини жисмонан йўқ қилишга, ҳамда ўз халқини қирғин қилиш учун қурол яроғ сотиб олишга сарфлаганлар эмас, қишда электрисиз ва газсиз яшаб, эркинлик ва йимон излаган фарзандлари қамоқларда йўқ қилинаётган оддий ўзбек халқи тўлайди.

Қани энди, имкони бўлсаю, ўша халқро банкларнинг директорлар кенгаши йиғилиши ўтаётган залга кириб бора олсак... Мамлакатимиз келажаги ва тараққиётини таҳлика остига қўяётган бўлар бўлмас кредитлар лойиҳаларини тўхтатиб қуя олсак, қани эди...

Ва ўша ерда ишшайиб ўтиришган директорларнинг башарасига қараб:

“Ўзбек халқига Сизларнинг миннатли кредитларингиз эмас, эркинлик ва демократия зарур! Сиз дунёнинг энг ваҳший диктатори Ислоҳ Каримовнинг умрини, халқимизнинг келажақ авлодларни қарзга ботириш ҳисобига узайтираёпсиз!”... дея олсак...

Мана шундай хаёллар билан ўтирсам, Озодлик радиосидан хабар келиб қолди.

«Жаҳон банки Ўзбекистонга 82 миллион доллар ажратади. Бу маблағ Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларида сув таъминоти тизимини яхшилашга сарфланади. Лойиҳа амалга ошгач, Олот ва Қорақўл туманида 220 минг аҳолининг сув билан таъминлаши яхшиланади»

Сарфланар экан ва яхшиланар экан...

Лекин, сарфланармикин? Яхшиланармикин?

Осиё Тараққиёт банки 1998-99 йилларда Жиззах вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун 20 миллион доллар кредит берган эди. Пуллар қаёққадир сарфланди, лекин Жиззах шаҳрида тоза ичимлик суви ҳозирга қадар яхшиланмади.

Пулларни ўзлаштиришда бош қош бўлган ўша пайтдаги вилоят хокими Шавкат Мирзиёев эса, бугун Ўзбекистон Бош вазири! Ана сизга, Осиё Тараққиёт банки кредитининг кучи!

Демак, Бухоро вилояти хокими ҳам, катта сакрашга тайёргарлик кўраяпти....

Улуғбек Хайдаров, (Канада)



Ўзбекларимиз, 2010 йилда яна ўша Осиё Тараққиёт банки, Ўзбекистонга, газда ишлайдиган (Марказий Осиёда фақат Ўзбекистонда!) Электр токи ишлаб чиқарувчи корхона қуриш учун 350 миллион доллар ажратганини билишармикин?

14 декабр куни Ўзбекистоннинг расмий ахборот воситалари шоша пиша мана бу хабарни тарқатишди: “Осиё Тараққиёт банки Ўзбекистонга 220 миллион доллар ажратди! ОТБнинг директорлар кенгаши 10 декабр куни Ўзбекистон ҳукуматига, миллий автйўллар қуриш учун 220 миллион доллар кредит беришга қарор қилди”.

Хабарда, бу қарз 25 йил муддатга берилгани ҳамда, дастлабки 5 йил учун устама олинмаслиги ҳам айтилади.

ОТБга кўра, пуллар “Тошкент-Ўш” автйўлининг 75 километрини цемент ва бетон асосидаги 4 қаторли йўлга айлантириш учун сарфланади.

Умуман, ОТБ Ўзбекистондаги йўлларни таъмирлаш учун 1 миллиард доллардан кўпроқ маблағ ажратибди.

Куни кеча, ўзининг шахсий автотомбилида Андижон ва Тошкент оралиғида йўловчи ташиб тирикчилик қиладиган бир дўстимиз билан интернет орқали гаплашар эканмиз, “Қамчиқ довони жонга тегди, йўлида юриб бўлмайти, хар қадамга “яма”лар, хар қадамда авария... Йўлга чиқсам, юрагим безиллайди, таъмирлашса бўлмайдимикин?” деб ёзғириб қолди.

Дўстимнинг хабари ҳам йўқ шекилли, Ўзбекистон ҳукумати Осиё Тараққиёт банкидан “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов” ҳамда “Тошкент-Андижон” йўлларини таъмирлаш учун ўтган йили аллақачон 500 миллион доллар қарз олганидан...

Ўзбекистонда навбатдаги таъқиқ! Эндиликда ўзбеклар Янги йилни Советлар давридан бери анъана бўлиб келган Қорбобо ва Қорқизларсиз нишонлашади. Шу билан бирга арча безашларга ҳам чек қўйилади.

Президентимиз Ислому Абдуғаниевич бу халқнинг бошига ҳар кунни солиб уни обдон синовдан ўтказаяпти. Эл кўнглига ошно бўлган нимаики бор экан, ҳаммасини бирма-бир йўқ қилаяпти. Масалан фашизм устидан қозонилган ғалаба санаси бўлган 9 май Ислому Абдуғаниевичнинг ташаббуслари ва халқимизнинг лаббайчилиги ортидан “Хотира ва қадрлаш куни”га айлантирилди. Энди бу кунда Ўзбекистон аҳли қабристонларга хўнг-хўнг йиғлайдиган одат чиқарди.

АРЧА БАЙРАМИДАН ЧИНОР БАЙРАМИГА ЎТАЙЛИК



Намозхонларнинг қийратилгани бирор давр қагагонига мос келмаса керак. Улар “ақидапарастлар”, “экстремистлар”, “террорчилар” ва ҳоказо, ҳоказолар, Сталин тили билан айтганда “Халқ душмани”. Масалан, қаердадир жамоа ақиқа қилаётган даврага бирикса, уларнинг милиция босади ва ҳаммаси “террор” оши еётганларга айлантиради. Яъни улар янги бир террористик хуружга тайёргарлик кўришаётганди. Исбот, асос ва бошқа далилларга эса ҳожат ҳам йўқ! Хуллас, халқ ҳеч бир баҳона билан бир жойга тўпланиши ҳам мумкин эмас.

Ўзбеклар хурсандчилик қилишлари мумкин эмасдек гўё. Совет давридаги 1 май байрами ҳам элнинг шодийнаси кунларидан бири эди. У ҳам унут бўлди! 7 ноябрь Октябрь революцияси куни, унинг ўрнига 1 сентябрь тақдим қилингандек бўлганди ҳам, лекин афсус, бу янги байрам эл учун эмас экан. Бу кунда байрам қилишга фақат Каримов клани ҳақли бўлиб қолди. Ҳаттоки ҳукмдорнинг ўзи Ҳоразм лазгисига муқом қилиб қолади шу кунда. Ярашадими, ёки йўқ, масаланинг бу томони бирор аҳамият касб этмайди. Эл эса байрамни пахтазорда, ғўзалар орасида нишонлайди. Мана шу ҳукмдорга ва унинг қизларига бойлик яратиб байрам қилади эл.

Янги йилни арча безатмасдан, Қорбобо ва Қорқизсиз нишонлаш кераклиги ўқдирилибди, демак яқин орада бу байрамга ҳам таъқиқ қўйилади. Бу бизнинг миллий маданиятимиз ва анъаналаримизга мос эмас экан. Қизиқ, бизнинг маданиятимизга мос бўлган нима бор ўзи? Наврўзми? Наврўз зардуштийлар байрами эди ва у ўша даврдан бизнинг маданиятимизга кириб қолган.

Зардуштийлик эса бизга Эрондан кириб келган. Демак бу ҳам бизнинг маданиятимиз эмас экан. Шундоқ ҳам ўзбеклар бу кунни кўнглидагидек нишонлаётгани йўқ. Бу кунда ҳам ҳукмдоримиз саҳнага югуриб чиқиб хонандаларни кучоқлаб унинг ўзи атрофидаги шогирлари билан нишонлайди холос. Демак бизга Каримов клани тегинмайдиган янги бир байрам керак. Бу масала устидан жиндак бош қотириб кўрайликчи, балки бу шўрпешона халқ учун ҳам бирор шодийна қилиш мумкин бўлган куни топилар, жуда бўлмаса янгисини яратиш мумкин-дир.

Руслар бирор нарсадан тўлқинланиб кетса “Урра” дея қичкириб қолишади. Совет даврида бу “урра” ўзбекларга

ҳам кириб келганди. Чунки биз тепада турганларга хушомад қилиб кун кўрайдиганлар хилиданмизда. Масалан, пахтазорда шундай хабар янграйди: “пахта плани бажарилди”! Жавоб берамиз: “Урра! Энди уйга қайтамиз”. Ҳозир ҳам шунақа урра, урачилик бор бўлса керак.

Гитлер Германиясида “Ҳайл Гитлер”, ёки “зикх хайл” деб тўлқинланишлар урф бўлганди. Ҳаттоки одамлар бир бирига “хайрлик тонг” дея салом ҳам бера олмай қолишган ўша дамда. Унинг ўрнига янги фюрер “Ҳайл Гитлер”ни жорий қилганди. Гитлер ўтмишга айландию, “хайл”лар ҳам йўқ бўлиб кетди.

Ўзбекларимиз нима қилишлари керак? Масалан бирор нарсадан шодланиб қолишса. Айттайлик, “Мошоллох”, “Оллох акбар” дейишлари мумкин эмас. Террорчи бўлиб қолиб, умрнинг қолган қисми Жасликдаги қонцлагарда ўтказишади. “Урра”лаб қолсак ҳам яхши эмас, руспарастларга айланиб қоламиз. Бунинг учун Жасликқа ташлашмайди, аммо барибир яхши эмас. “Ҳайл Гитлер” деб кўрсак қандай бўларкин? Йўқ, буниси ҳам тўғри келмас экан. Ахир ҳукмдоримиз Гитлер эмас-да. Балки “Ҳайл Каримов” десакчи? Унда “хайл” жумласи ўзбекча эмас.

Ўзимизнинг маданиятимизга, бугунги замонамизга мос келадиган байрамлар, янгича тўлқинланишлар ташкил этиб олишимиз зарурку. Масалан 30 январь кунини умумхалқ байрами қилсак қандай бўларкин? Бу кун Ислому Абдуғаниевич туғилган кун. Ҳукмдор бундай байрамга бирор норозилик изҳор қила олмайди. Тўлқинланиб кетганимизда “Яшасин Каримов!”, “Каримовга шарафлар” каби олқишларни қўлласак ҳам бўлар. Бу янгилик ва жуда ажиб бўларди. Ахир “Ҳайл Каримов” деб турсак уятда!

30 январь кунида ўзбек гастербайтерлари юборган пуллар эвазига мамлакатда қатта шодийналар ўтказиб борилса ва бу кунда гастербайтерлар ватанларига қайтиб аввало Ислому Абдуғаниевичнинг Оксаройи олдида бир таъзим бажо келтириб ўтиб кетишини одатга айлантирсак. Ана ундан сўнг ўз оилаларига томон кетишса.

Яна яхши бўларди ҳозирги Григорян календаридан воз кечсак ҳам. Бу ҳам бизнинг маданиятимиз эмас ахир. Бизга зардуштийлардан қолиб кетган Қуёш таквими ҳам тўғри келмайди. Хиҷрий таквим эса арабларники! Кейин бу таквимни илгари сурсак Жаслик кутаяпти. Бошқа бир таклиф эса бу! Янги йилимиз Григорян календари билан 30 январдан бошлана қолсин. “Ислому Карим таквими” деб атаймиз уни. Масалан, Шимолий Кореяда янги йилнинг биринчи куни Ким Ир Сеннинг туғилган куни, Григорян таквими бўйича 15 апрелдан бошланади. Уларнинг таквимлари ҳам Ким Ир Сеннинг таваллудида бошланади. Бизнинг ҳукмдор Ким Ир Сендан камми. Йўқ албатта! Зиёд бўлса зиёд, асло кам эмас.

Келгусида ҳам Каримов авлодлари, хусусан унинг қизи Гулнора, набираси Ислому Мақсудий, кейин ҳам Ислому Мақсудийнинг бирор ўғли ҳокимиятни қўлга олишидан қелиб чиқадиган бўлсак, 30 январь кунида нишонланадиган оммавий байрамга биров қаршилиқ кўрсатмайди ҳам.

Бизга нима? Байрам бўлса бўлдида. Шодлик қилсак, ароқ ичиб кўча қўйда масту аласт юришга янги бир баҳона топилса бас. Келинлар ўзбеклар ва ўзбекистонликлар! Янги йилни 31 декабрдан 1 январга ўтар кечсида нишонлашни бас қилайлик ва ҳукмдоримиз билан биргалликда ўзбек янги йилини 30 январда нишонлаймиз. Бу кунда ҳатто янги ўзбек эрасини эълон қилсак ҳам бўлади. Масалан, Ислому Абдуғаниевич Григорян календари бўйича 1938 йилда таваллуд топганлар. Демак у киши Григорян календари бўйича келгуси 2013 йилнинг 30 январь кунида 75 ёшга тўладилар. Бу ўзбек эрасининг 75 йили бўла қолсин. Бу ажойиб янгилик бўлади азизлар.

Президентимиз чинор дарахтини хуш кўрадилар шекилли, Тошкентдаги чинорларни ҳам кесиб олиб кетганлари бор. Шундан қелиб чиқиб ўзбекнинг янги асрининг 75 йили олдида чинор дарахтларини безашга ўтсак. Каримов суратлари билан, кейин унинг икки қизи, ҳаттоки набираларининг силуетлари акс эттирилган шиша ўйинчоқлар билан чинор безаймиз. Кейин бу байрам ўзбек таърихига “Чинор байрами” деган ном билан ҳам киритилса.

Президентимизнинг чинорларга бўлган муҳаббати сабаб, мамлакатда чинор қолмади ҳисоб. Бу вазиятда қиқши учун ўзимизга одат бўлган ғўзапопарни безаб, уни “ЧИНОР” деб тасаввур этсак ҳам бўлади. Бунга рози бўлмаганлар, ёки “ҳей галварслар, ахир бу ғўза-ку” дегувчилар қичиб қолса, улар давлат душмани деб эълон қилинади, тамом.

Жуда ажиб иш бўларди. Бу байрамга ҳалал берадиган бирор зот Ўзбекистонда бўлмайди ҳам. Биз фақат лаганбардорлик қилиш, бўйин эгишдан бошқа бирор нарсга ярамас эканмиз, Каримов клани Ўзбекистонни токи қўёш сўнгунига қадар бошқаради. Янги байрамга тайёргарликни эса ҳозирданок бошлан!

Тўлқин Қорасев

Франция ва дунё матбуоти, ўзбек диктаторининг кизи Гулнора-нинг лойиҳаларида қатнашаётган машҳур актёр Жерар Депардьени муҳокама қилишда давом этаёпти. Куни кеча, французларнинг "Агога Vox" сайтида «Депардьё ва дикта-

лан яқунланган: "Ҳақиқий актёр, экстремизм билан келишиб ёки у билан ҳамқадам бўлаётган сиёсатчиларни қўлламаслиги керак. Ўзининг машҳурлигини зўравонлар хизмати учун ишлатаётганлар, зўравонларнинг шерикларига айла-

лойиҳасида қатнашиб, Францияга қайтгач, дарҳол Бельгияга кўчиб кетган. Бу эса, унинг Францияни тарк этиши, даромад солиқлари билан боғлиқ эканлигини исботлайди. Ўзбек диктатори оиласининг қонли пуллари тикилган очкўз нигоҳларнинг соҳиблари ҳар доим ҳам дунё прогрессив кучларининг танқидига дучор бўлиб келган.

Монсерат Кабалье, Хулио Иглесиас, Моника Белуччи, Стинг, Эннио Мориконе, Холид Эргенч, Криштина Роналду каби дунё тан олган кино, спорт ва мусиқа олами юлдузлари Гулнора Каримованинг лойиҳаларида иштироклари боис, халқаро матбуот ва ва инсон ҳуқуқлари ташкилотлари фаолларининг танқид ва сўроқларини тинглашга мажбур бўлишган.

Улар ичида фақат Стинг, танқидлардан сўнг, Тошкентда, Гулнора саройида берган концерти учун таассуф билдирганди. Шундан сўнг у, Қозоғистон президентининг таклифини рад этиб, «У ердаги нефтчилар оч ўтиришибди, мен бу ҳолатда Қозоғистонда концерт бермайман» деган эди.

Жерар Депардьенинг Тошкентга ташрифи ва унинг диктатор кизи лойиҳасида иштирок этиши, Францияда яшаётган "Ўтюрлар клуби" Халқаро инсон ҳуқуқлари фаоли Мўътабар Тожибоевани, француз актери Очик хат билан мурожаат қилишга ундади.

"И.Каримов режимининг репрессив табиатини, Каримовлар оиласининг обрў-эътибори сохталиги ва диктаторлик режимида мансабдор шахс бўлган Гулнора Каримованинг ролини ҳисобга олган ҳолда, актёр Жерар Депардени бу режим билан ҳамкорлик қилишдан бош тортишга, унинг лойиҳаларида иштирок этмасликка чақирамиз" дея таъкидлайди Мўътабар Тожибоева француз актери номига йўллаган очик хатида.

Афсуски, Жерар Депардьё бундай чақириқларга энди жавоб бермайди. Чунки, унинг "эшаги лойдан ўтди". У энди ҳаттоки Франциялик ҳам эмас. Ўзбек халқининг кўз ёшлари ва қони эвазига топилган пуллardan олган улушини ит каби ерга кўмиш учун у ватанини ҳам ташлаб кетди...

Улуғбек Ҳайдаров

ЖЕРАР ДЕПАРДЬЕ ФРАНЦИЯНИ ТАРК ЭТДИ

торлар» номли мақола чиқди.

"Авваллари ҳам бир неча бор ўзининг қуюшқонга сиғмас чақирик-лари билан матбуот назарига тушган Жерар Депардьё, яна бир ғавғонинг марказида! Халқаро ҳамжамиятда ўзининг қаҳрли сиёсий бошқаруви билан танилган Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг тўнғич кизи Гулнора Каримова билан қўшиқ куйлади" деб ёзади мақола муаллифи. Мақолада машҳур актёр Депардьенинг бу каби қилиқлари янгилик эмаслиги эслатиб ўтилади.

"Аввал ҳам Жерар Депардьё чечен диктатори Рамзан Қодировни қўллаб қуватлаш учун, унинг 5 октябрда бўлиб ўтган туғилган кунига ташриф буюрган эди. Ўша куни "Яшасин Чеченистон! Яшасин Қодиров!" дея қичқирган актёр, бошқарувнинг диктаторлик усуллари пропанда қилишдан ҳам тортинмаган эди" дейилади мақолада.

"Актеримиз, юмшоқ қилиб айтганда, халқ орасида унчалик машҳур бўлмаган сиёсатчиларни ёқтирса, биз нима ҳам дердик" дейди яна мақола муаллифи киноя билан.

Мақолада, нима учун дунё кино-мухлислари тан олган француз киноактёрининг бунчалик паст кетишининг сабаблари ҳам кидирилади.

"Эҳтимол бунинг сабаби пул ва машҳурлик кетидан қувишдир? Бирок, бу актёр, бир дунё бойликка эга бўлган Жерар Депардьё эканини ҳисобга олсак, бу сабаб ҳам унчалик ҳақиқатга яқин кўринмайди. Унда бу, ўзини кўрсатиш учун турли ғавғолар ичида туришми? Бу ҳам унинг ҳаётида одатий машғулотга айланган эди-ку?!"

"Ҳар қандай ҳолатда ҳам у ўзининг бу қилиғи билан ҳаддидан ошди: ўз халқини тиз чўктириб, унинг елкасига зўравонлик тамғасини босган диктатор билан ҳамкорлик – ҳақиқий француз руҳиятига сира ҳам мос келмайди" Мақола қуйи-даги сўзлар би-



надилар".

Айни пайтда Европа Оммавий ахборот воситалари, Жерар Депардьенинг Франциядан кўчиб кетгани ҳақида хабарлар тарқатишяпти.

Уларга кўра, Депардьё Бельгияга кўчиб ўтгани ва бу мамлакатнинг Нешен шаҳарчасидан қўним топгани айтилади. Ҳар ерда ҳозир но-зир бўлган Европа журналистлари, Жерар Депардьенинг бирданига Францияни тарк этиши сабабларини ҳам ўрганиб бўлдилар. Улар бугун шу мавзунинг ёритар эканлар, "Жерар Депардьё даромад солиғини тўлашдан қочиб, Бельгияга кўчиб кетган" деган фикрни айтмоқдалар.

Айни шунга ўхшаш фикрни Associated Press агентлиги муҳбири Питер Леонард, ўзининг Twitter даги саҳифасида ҳам ёзиб қолдирган.

"Депардьё даромад солиғини тўлашдан бўйин товлаб, Бельгияга кўчди. Ўзбекистондан олиб келган даромадини у декларация қилган дея олмайман" дейди журналист.

"Новости-Қазақстан" агентлиги эса, Депардьенинг сўзларига таянган ҳолда шундай хабар тарқатди. «Актёр Бельгияга расман кўчиб келди ва бошқа бадалат французлар жойлашган Нишен шаҳарчасидан шинамгина ҳовли сотиб олди. Бу шаҳарча жойлашган Эно вилоятида бошқа кўплаб француз миллиардерлари ҳам яшашади. Улар бу вилоятни солиқлардан беркинадиган жой деб аташади».

Очиқдан очик дунё диктаторлари хизматида бел боғлаган Жерар Депардьё Ўзбекистоннинг «Очофат маликаси» Гулнора Каримованинг



«МОЗОР» АМАЛИЁТИ

Сўнгги тўрт ой мобайнида (шу йилнинг август ойдан бери) кўшни Афғонистоннинг Мазори-Шариф шаҳридаги этник ўзбеклар: генерал Абдурашид Дўстум ва унинг теварагидаги тўрт нафар дала кўмондони Тошкентга серкатнов бўлиб қолди. Афғонистонлик ҳарбийларнинг ўта махфий шароитдаги ушбу ташрифларида нафақат Ўзбекистон МХХ раҳбарияти билан, балки генерал Дўстумнинг Ўзбекистон президенти И.Каримов билан ҳам юзма-юз учрашувлари ташкил этилган.

Учрашувларда ўзбек махсус хизматларининг “Мозор” деб номланган махфий амалиёти тафсилотлари ҳам кўрилади. Бу амалиёт Мазори-Шарифда ҳарбий тўнтариш амалга ошириш ва Ато Муҳаммад Нурнинг маҳаллий ҳокимиятини ағдаришни кўзда тутаяди.

Амалиётнинг сўнгги ҳадафи эса Мазори-Шариф ҳокимиятини ўзбек генерали Дўстумга топширишдан иборат. Ўзбек ҳокимияти билан бўлган музокараларда, Дўстум ҳокимиятга келтирилгач, тўлалигича Ўзбекистон раҳбарияти манфаатларига мос сиёсат олиб боришга розилик билдирган. Америка раҳбарияти таклифига кўра тузилаётган бу режага шу кунларда сўнгги тузатишлар киритилмоқда.

Хусусан, декабр ойи бошларида И.Каримов ва МХХ раҳбарияти келган муштарак хулосага кўра, мазкур амалиётга МХХ раиси ўринбосари Шухрат Ғуломов раҳбарлик қилади. Бундан ташқари, амалиётга Тожикистонлик қочоқ ўзбек полковниги Маҳмуд Худойбердиев жангариларини ҳам жалб этиш қарори олинган. Бунинг учун ўзбек раҳбарияти Афғонистон чегараси яқинидаги Термиз тренировка полигонидаги шароитларни шоссинч тарзда яхшилаш ишларини бошлаб юборган.

Расмий Тошкент режасига кўра, шу кунларда Сурхондарё вилоятининг Сарисийё ва Узун туманларидан М.Худойбердиев жангарилари Термиз лагерига ҳамда Жиззах вилоятининг Тожикистон билан чегарадош ҳудудларига кўчирилмоқда.

ЎЗБЕК МАХСУС ХИЗМАТЛАРИ МАЗОРИ-ШАРИФДА ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ РЕЖАЛАМОҚДА

Афғонистондан НАТО кўшинларининг чиқарилиши ва ундан кейинги даврда Ўзбекистон Исломий Ҳаракатига (УИХга) қарши кураш истиқболдан жиддий ташвишга тушган Ўзбекистон Президенти Илом Каримов, АҚШ таклифи билан Афғонистоннинг Мазори-Шариф шаҳрида ҳарбий тўнтаришни амалга ошириш бўйича улкан лойиҳани бошлаб юборган. Шундай қилиб...

Бундан ташқари, М.Худойбердиев жангариларининг бир қисми Сурхондарёнинг Тожикистон чегарасига яқин Ховаст туманига жойлаштирилмоқда. Зарурат туғилганида улар, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида вазиятни издан чиқариш бўйича ўзбек махсус хизматларининг яна бир бошқа махфий режасини амалга оширишга киришади. Шундай қилиб...

«ХЎЖА» АМАЛИЁТИ

“Хўжа” номли заҳира амалиёти, М.Худойбердиев жангарилари Хўжандга бостириб кириш, Сўғд вилоятида вазиятни тўлик издан чиқариш ва ҳокимиятни тўлиғича ўзбек полковниги одамларига ўтказишни мақсад қилган. Ўзбекистоннинг КХШТ таркибидан чиқиши ортидан, Россия Тожикистондаги ўзининг 201-дивизияси воситасида Ўзбекистон чегарасига яқин ҳудудларда вазиятни беқарорлаштиришга уриниши Ўзбекистон раҳбарияти жуда кўрқитиб қўйган. Шунинг учун, Тошкентдагилар “кўрққан олдин мушт кўтарар” қабилида иш тутиб, рус ва тожиклардан олдинроқ, “рақиб ҳудудидида вазиятни издан чиқариш” зарур деган хулосага келганлар.

И.Каримовга кўра, Хорог ва Қирғизистон жанубидаги қонли воқеалар – Кремлнинг иши. Бу ҳақда у америкалик мулозимларга кўп маротаба такрорлаган. Путиннинг “қора ниятлари” ҳақида ўзбек диктатори шу йил октябрь ойи бошларида «Кейпстоун» дастури доирасида Тошкентга келган америкалик генералларга ҳам шикоят қилган.

И.Каримовнинг Россияга нисбатан Марказий Осиёда таҳлика омили ўлароқ салбий муносабати КХШТ бош қотиби Николай Бордюжанинг баёнотидан сўнг икки чандон кучайди. Н.Бордюжа Ўзбекистон раҳбариятини барибир “куйиши” ва КХШТга қайтишга уринишини айтган.

Ушбу омиллар шундоғам кўрқоқ табиатли Каримовни баттар кўрқувга солган. У гоҳ Россия, Тожикистон ва Қирғизистон тарафи-

дан кўпоровчилик ҳаракатларини, гоҳ жанубдан УИХнинг ҳужумини, гоҳ УХХ қўли билан рангли инқилоблар чиқишини кутиб яшамокда. Ўзбекистон диктатори фаҳмламайдики, у ўз-ўзини боши берк кўчага олиб кирган ва кўрқув талвасасида кишанларга яна-да банди этмоқда. Унинг фақат ўзи атрофидаги сиртмоқ тобора торайиб бо-раётганини англай олади холос.

Энди, ўз тахтига қарши ҳар қандай таҳликада Россияни кўрган И.Каримов, хавфсизлик масалаларида россияпараст мавқеда бўлган ва Москвадан ҳарбий-техник ёрдам олаётган кўшни Қирғизистон ва Тожикистонни шантаж қилишга уринаётир.

Ўзбек махсус хизматлари тарафидан тузиб чиқилган мазкур “Хўжа” номли махфий амалиётнинг ҳам сабаб шудир. И.Каримов таклифи билан ушбу амалиётни амалга ошириш учун масъул этиб, МХХ раиси ўринбосари Шухрат Ғуломов тайинланган. Ўзбек ҳукумати режаларига биноан, М.Худойбердиев жангарилари Тожикистон ҳудудига Янгиер ва Ховаст орқали кириши лозим.

“Хўжа” амалиётининг сўнгги ҳадафи Хўжандда ҳокимиятни полковник М.Худойбердиевга топширишдир. У Сўғд вилоятида ҳокимиятни қўлга олгач, тўлалигича каримовпараст сиёсат олиб боришга тайёр. “Мозор” ва “Хўжа” амалиётлари муваффақиятли тарзда амалга оширилган тақдирда, бу И.Каримовнинг Афғонистон ва Тожикистондаги этник ўзбекларнинг таъсирини ошириш йўлидаги илк қадами бўлажак. Шундай қилиб...

КАРИМОВ ҲУКУМАТИНИНГ ТАШҚИ ҚАЛҚОНЛАРИ

Аввалги мақолаларимизда маълум қилганимиздек, Америка ҳукумати И.Каримовдан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистондаги этник ўзбекларнинг маҳаллий ҳукуматларга таъсири даражасини оширишини таклиф қилганди.

(Давоми кейинги саҳифада)

ЎЗБЕК МАХСУС ХИЗМАТЛАРИ МАЗОРИ-ШАРИФДА ҲАРБИЙ ТҮНТАРИШ РЕЖАЛАМОҚДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу таклифнинг амалга оширилиши нафақат Америка манфаатларининг Марказий Осиёда ортиб боришига, балки ўзбек диктаторининг диктатура режимига мамлакат ташқарисида ҳам ҳимоя қалқони пайдо бўлишига олиб келиши сабабли, бу унга маъқул тушди.

Мазори-Шариф ва Хўжанддаги ўзбекларни қўллаб-қувватлаш билан Ислон Каримов қўшни давлатлар ҳудудларини Ўзбекистонга қўшиб олиб, ўз мамлакати ҳудудларини кенгайтиришни кўзлапти деб ўйлаш мутлақо хато. Йўқ!

Афғонистонда генерал Дўстум, Тожикистонда полковник Худойбердиев, ҳамда Мазори-Шариф ва Хўжанддаги этник ўзбекларнинг тўлиқ қатлами Каримовга бор-йўғи унинг диктатураси учун ҳарбий-сиёсий девор ва тирик қалқон сифатида керак. Америкапараст диктаторга қўшимча бу ҳимоя қалқони унинг ҳукуматни ҳатарсиз тарзда қизи Гулнора Каримовага ўтказиб бериш режаси учун ҳам муҳимдир.

“Толибон” ёки УИХлар Афғонистондан туриб Ўзбекистонга ҳужум қилиб қолгудай бўлса, ким биринчи бўлиб бу зарбани қабул қилади? Албатта генерал Абдурашид Дўстум ва Мазори-Шарифнинг ўзбек аҳолиси.

Россиянинг 201-дивизияси ва Тожикистон армияси тўсатдан Ўзбекистон томон ҳаракатланиб қолса, ким биринчи бўлиб бу зарбани қарши олади? Ҳеч бир истасносиз Маҳмуд Худойбердиев ва Хўжанд, ҳамда Сўғд вилоятининг ўзбек аҳолиси!

Афғонистон ва Тожикистон ўзбеклари Каримов душманлари йўлига тўғаноқ бўлиб турганда, ўзбек диктаторининг ўзи ташқи агпрессорларни дафъ қилиш учун АҚШ ҳарбий ёрдамини кутиб туриш, ёки ҳеч бўлмаса Ўзбекистондан Исроил, ёинки АҚШ га ҳавф-ҳатарсиз чиқиб кета олиш имконига эга бўлади.

Бу таклифни И.Каримовга илгари сурган америкаликларга эса ўзбек диктатори, ҳамда ушбу лойиҳа Марказий Осиёда ва Афғонистонда диомий берқарор вазиятни ушлаб туриш, шунингдек Ўзбекистон ва Афғонистонни келгусида ҳам АҚШнинг сиёсий, ҳарбий ёрдамига муҳтож қолдириш учун зарурдир. Бундан ташқари, бу минтақани таранг бир вазиятга келтириб қўйиш билан Оқ Уй, КХШТ ва

Россиянинг жиловини ўз қўлида тутиб туриш имконини ҳам қўлга кирилади. Агар Ислон Каримов Америка талабларига оғишмай бўйсунса, Пентагон Россияни Марказий Осиёдан улоқтириб ҳам ташлайди.

Бунда ҳукумат жиловини ҳавф-ҳатарсиз тарзда Гулнорага ўтказишни режалаётган Ислон Каримов учун Американинг хоҳишларини бекаму-кўст ижро этиш албатта унинг манфаатида. АҚШ тагин ўзбек диктаторига унинг оилавий клани муаммоларини халқаро миқёсда бартараф этиб беришни ҳам ваъда қилган.

Яқинда АҚШ давлат департаменти Ўзбекистонга ҳарбий ёрдам беришга қарши таъқиқини вақтинча бекор қилганини билдирди.

Америка ташқи сиёсати тизими вакиласи Виктория Нуланднинг хабар қилишича, “Ўзбекистонга бериладиган ҳарбий ёрдам ўз кўламига нисбатан чекланган бўлади ва табиийки, инсон ўлимига олиб келмайдиган бўлади”.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Оқ Уй бутунлигича Каримов диктатурасини ушлаб турган орган, ўзбек милициясига тинч намоишчиларни тарқатишда қўл келадиган травматик қуроллар ва бошқа техника билан ёрдам беради.

Ҳа, Американинг демократияси Ўзбекистон диктатурасини Ўзбекистон халқининг диктатурага қарши бўлган демократик чиқишларини бостириш учун қуроллантиради! Албатта АҚШнинг бу қадами ўзбек диктатори И.Каримовнинг Марказий Осиёда Америка манфаатларини илгари сураётганига миннадорлиги белгисидир.

Бу вазиятда Каримов ҳукуматига унинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун Москва қандай таклифни илгари сура олади? Амалий нуктаи назардан, ҳарбий техник ёрдамдан бошқа ҳеч нарса! Каримовга бундан ташқари ҳали пул ҳам керак, сиёсий қўллов, унинг оила аъзолари муаммоларига ватанда ва халқаро майдонда ечим керак.

Мана шу хижатлардан келиб чиқиб, Америка томони билан узок мунозаралардан сўнг ўзбек диктатори КХШТ билан ўйин қилишга чек қўйиш ва бу ташкилотни бутунлай тарқ этишга қарор қилди. Бироқ қўрқоқ Каримов барибир бу қилмиши учун КХШТ Тошкентдан қасос олишидан қўрқади. Шундай қилиб...

ХУЛОСА

Ўзбекистон ҳукуматининг, МХХ раиси ўринбосари Шухрат Ғуломов бошқараётган Мазори-Шарифдаги ҳарбий тўнтариш масаласига қайтиб шуни айтиш мумкинки, “Мозор” муваффақияти Ислон Каримов ва малайларининг нафақат сиёсий, балки иқтисодий истакларини ҳам қониқтиради.

Хусусан, Мазори-Шарифда ҳокимиятни қўлга киритиш бу минтақада наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва уни кейин Ўзбекистон ва у орқали МДХ давлатларига олиб чиқиш учун катта имкониятлар беради.

Ҳозирда Ўзбекистон ҳукумати героини ишлаб чиқариш учун лозим бўлган (сирка кислотаси, ацетон, калий перманганат каби) химиявий моддаларни Мазори-Шарифга ташиш ишларига ҳозирланмоқда.

Шунингдек, Мазори-Шарифда генерал Дўстумнинг ҳокимиятга келтиришдан, бир неча йилдан бери советлар давридан қолиб кетган американинг стингерларини ундан сотиб олиб, Пентогонга бераётган МХХ генерали Шухрат Ғуломов ҳам манфаатдордир. (Пентагонга бу ракеталарнинг Ал-Қоида каби гуруҳлар қўлига тушмаслиги муҳим).

Фақат бу сотиб олинган стингерларни Ш. Ғуломовнинг ҳарбий-тижорий гуруҳи бир йўл билан Пентагонга сотса, бошқа йўллар билан “Толибон”, Афғонистон ва Покистонда жойлашган УИХ ва Иордания орқали Фаластин армиясига ҳам сотади.

Бундай тижоратдан келган тушумни Шухрат Ғуломов бошқарадиган ҳарбий тижорий компания ҳисобига, бу ишлар бўйича вакил ва масъул бўлган Ўзбекистон Махсус хизматининг Дубайдаги собиқ офицери А.Савинков ўтказиб туради.

Агар Мазори-Шарифдаги ҳокимият А.Дўстум қўлига ўтадиган бўлса, Ш. Ғуломовнинг биз айтаётган тижоратининг келажаги порлоқ бўлади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг иккинчи жосуси “Мозор” махфий амалиётига шахсан катта эътибор бермоқда ва бу йўлда жонбозлик кўрсатмоқда.

Усмон Ҳакназаров,
сиёсатшунос
Мақоланинг сайтдаги манзили:
uzxalqharakati.com/archives/14912



ЭРК ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЛИДЕРИ МУХАММАД СОЛИХГА ОЧИҚ ХАТ

Сиз ҳақли чикдингиз, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистондаги ҳозирги мавжуд ҳукумат билан асло мулоқот қилиб бўлмайди.

Бу ҳукумат муҳолифатни хоҳ соғлом бўлсин, хоҳ «бемор» бўлсин - ҳеч қачон тан олмайди. Уларни йўқотиш учун ҳар қандай қонунбузарлик, мунофиқлик, қабихликдан қайтмайди. «ЭРК» партиясини Солиҳ билан ҳам, Солиҳсиз ҳам қайта рўйхатга олмайди. Ҳукумат муҳолифатчиларни ҳатто ташаббускор гуруҳлар орқали сайловда қатнашишларига ҳам йўл қўймайди, бунга ишонини саробга қўл чўзиш билан баробардир. Мен бундан амин бўлдим. Бундай тоталитар тузумдан воз кечиш, сайловларни бойкот қилиш зарур.

Бундан бир йил олдин биз Сизнинг бундай фикрларингизга қарши чиқиб, 2003 йил декабр пленумидан сўнг ҳукумат билан «ЭРК» орасидаги муносабатни ўзгартириш, халқ тинчлиги, форовонлиги йўлида расмий партия сифатида хизмат қилиш, сайловларда қонуний иштирок этиш мақсадида мавжуд тузум билан мулоқатга келишга қарор қилган эдик.

2004 йил феврал ойида бир гуруҳ кенгаш аъзолари имзолаган «Очиқ хат»имизни Сизга йўлладик, партия раҳбариятининг сайловолди фаолиятдан, кўп машаққатлар билан ўтказган 5 – курултойимиздан сўнг рўйхатдан ўтиш учун ҳаракат қилинмаганлиги, ҳужжатлар Адлия вазирлигига топширилмаганлигидан норози бўлиб, фаол иш-

ловчи раҳбар органлари ташкил қилишимиз зарурлиги тўғрисида Сизга мурожаат қилдик.

Мартдаги йўллаган Очиқ хатимизда Сизнинг ҳукуматни тан олмаслик, радикал позициянгизни очиқ рад этдик.

Халқнинг бўғзига келиб бўлган барча муаммоларни сайловлар ва парламент йўли билан ҳал этиш тарафдори бўлдик ва ўтган бир йил мобайнида партияни рўйхатдан ўтказиш, сайловларда қонуний иштирок этиш учун курашдик.

Ёзма, оғзаки равишда бир неча бор президент девони ходимлари

(Х. Султонов, У. Исмоилов, У. Турдиев, Р. Эрназаров, М. Раҳмонкулов, Ш. Нуруллаева, И. Зиёев ва бошқалар) билан мулоқотда бўлиб, «ЭРК» ва муҳолифатчилар номидан музокара қилдик.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари С. Ходжаева, Х. Авезов, Б. Мустафаевларга сайловдаги мақсадимиз, муаммоларимиз тўғрисида мулоқатда бўлдик.

Президент ҳузуридаги фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари «ЭРК» ва «Сайлов Ресурс Маркази» нодавлат ташкилотларимиз тўғрисида ўз фикрларини билдиришди.

МХХ ва ИИВ ходимлари эса ишларимизни қадамма-қадам кузатиб, таъқиб қилиб турдилар, биз ҳам улардан фаолиятимиз, мақсадимизни сир тутмадик, фақат «Хуррият» газетасига берган мақоламдан беҳабар қолишди холос, гап мақола мазмунида ҳам эмас исми шарифим матбуотда чиқиб кетганлиги учун тегишли шахслар «ҳақ»ларини олишди.

«ЭРК», эркчиларнинг номини эшитиш, унинг вакилини қабул қилишдан қўрқув шу қадар кучлики, талаб ва бетиним ҳаракатларимиз тўғрисида улар бизни мажбуран қабул қилдилар ва натижада уларнинг мақсади ва тактикалари яна бир бор бизга фош бўлди.

Хуллас, ҳаракатларимиз интихосида «партиянгиз ҳукумат томонидан тугатилган, қайта рўйхатга олинмайди, яхшиси Сиз ҳам «ЭРК»дан воз кечинг, Каримовдан кечирим сўраб, хато қилганингиз тўғрисида мақола

ёзинг, матбуотда эълон қиламиз», дейишди.

Бундай таклиф менга 1992 йилда ҳам тушган эди. Демак, ўтган ўн йил даврида ҳукуматнинг бизга нисбатан бўлган фикри заррача ҳам ўзгармабди.

Аммо, ХАЛҚ ҲАҚИДАТИ халқнинг бизга нисбатан фикри ўзгарди, ҳукуматнинг бизга қарши пропагандасига қарамасдан, ишончи ошди. Буни мен ўз номзодимни қўйиш мақсадида сайловчиларимиз билан бўлган учрашувларда кўрдим ва ҳозирги кунда ҳам гувоҳ бўлмоқдаман.

Мен «ЭРК»чи, муҳолифатчи сифатида мавжуд ҳукумат билан нафақат мулоқот, балки умуман ишлаб бўлмайди, деган хулосага келдим, бунга етарли асосларим бор.

Ушбу сайловда муҳолиф партиялар рўйхатга олинди, парламентда рақобатчи, жонли фракциялар пайдо бўлганда эди, халқимиз норозилигини кундан-кунга ошираётган қашшоқлик, ишсизлик, яккахокимлик, зўравонлик, порахўрлик ва бошқа барча иллатларни парламентда халқ вакиллари томонидан ҳал қилиш имконияти бўлар эди.

Афсуски, бу сайловда ҳам ҳеч нарса ўзгармади, тўғриси, ўзгартира олмадик. Яна эски тос, эски ҳаммом.

Муҳолиф партияларни сайловда иштирок этишини ҳукумат намойишкорона рад этди, ҳатто ташаббус гуруҳлари орқали қўйилган номзодларимизга ҳам тиш-тирноғи билан қарши чиқди ва буни уддаламоқда.

Бу сайлов мавжуд ҳукумат учун охири бекат, Либерал демократлар партияси Каримов тузган охирига партия бўлиб, ва шу партиянинг ўзи ўз тузумининг умрига нуқта қўйишига аминман.

Мен бугунги кунда барча муҳолиф партияларни халқ билан уюшган ҳолда ҳокимият истеъфосини талаб қилиши, сайловни байкот этиши тарафдориман ва бу фикримни ҳукумат билан мулоқат тарафдори бўлган барча аъзоларимизга маълум қиламан.

Сизни яна бир бор табриклайман!

Сизнинг мавжуд тузум ва сайловлар тўғрисидаги бир йил ввал қабул қилган қарорингиз яна бир бор ўз тасдиғини топди!

Ойгул Маматова
2004 йил 5 ноябрь

ТИРОИД БЕЗИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Бўқоқ

Тироид безининг меъеридан катта бўлишига “бўқоқ” дейилади. Тироиднинг катталаниши дифуз, бир ёки бирдан кўп нодул(ғурра)ли бўлиши мумкин.

Бўқоқнинг дифуз катталашуви бўқоқ функцияси бузилганини кўрсатмайди, аксинча, бўқоқ катталашувининг кўпиди функционал бузилиш йўқ.

Тироид безининг меъердан ортик ишлаши (Гипертироидизм)

Бу ҳолатда тироид бези меъеридан ортик гормон ишлаб чиқаради. Ишга кучаяди, кўрқув, безовталиқ, асабийлик, рухий саросима, юрак зарбларининг тезлашуви, вазн йўқотиш кўзга ташланади.

Гипертироидизмнинг сабаби моддийдан кўпроқ маънавийдир.

Муолажа намозларни тартибга солиб, тасбеҳ айтиш ва Куръони Каримни ўқишни йўлга қўйгач, бошланади.

Душанба ва пайшанба кунлари ҳафтада икки кун 36 соатлик очлик килиш ва овқатланишдаги зарарли одатларни тарк этиш зарур.

Бу рўза 4 ҳафта мобайнида давом этгач, 3 кунлик очлик бошланади.

3 кунлик очлик 7 кунлик танаффуслар билан 7 марта такрорланади.

1-чи очликдан сўнг жигар тозаланади. (“Жигарни тозалаш, 3-чи кун” бўлимига қаранг).

Сўнг бутунлай соғайиб кетгунча тўлиной кунларида ҳижрий ойнинг 13-чи, 14-чи, 15-чи кунларида 3 кунлик очликни давом эттириш лозимдир.

Баъзи дуо ва оятларнинг ҳам баъзи касалликларга давоси бор. Бу касалликлардан бири нодулли бўқоқдир.

“Субҳаналлахи вал ғамдуллилахи вала илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар вала ҳавла вала куввата илла биллаҳил алийул ғазийм” дуосини доимий равишда тасбеҳ килиш натижасида, бир ҳафта ичида, нодулли бўқоқ касаллигининг йўқ бўлгани аниқланган.

Баъзан зулук давосидан кейин зулук чакқан нукталарни вакумлаш нагжасида бўқоқ нодули чиқариб ташланиши мумкин. Аммо тузалиш барқарор бўлиши учун албатта умумий даво килиниши керак.

Тироид безининг оз ишлаши (Гипотироидизм)

Тироид безининг оз ишлашидан эса локайдлик, чарчоқ, ақл ҳаракатсизлиги, вазн ортиши, соч тўкилиши, депрессия каби ҳолатлар кўринади.

“А” қон гуруҳига мансуб кишиларда тироид бези бошқа қон гуруҳига мансуб кишиларникига қараганда оз ишлаши табиийдир ва мизожга боғлиқ бир ҳолатдир.

Бу нарса “А” қон гуруҳи мансубларида ошқозон кислотаси кам ишлаб чиқарилиши ва метаболизмнинг янада секин ишлаши билан боғлиқ. Гипотироидизмга кўпинча “А” қон гуруҳидаги инсонлар дучор бўлишади, уларда бу касалликнинг ҳамма белгиларини кўриш мумкин.

Тажрибамизга кўра, бу касаллик сабаби шу: ёғ ва мол(қизил) гўштини ҳазм этаолмаганидан, “А” қон гуруҳига мансуб кишиларнинг томирларида тикилишлар пайдо бўлиб, қон айланиши бузилади ва бу ферментни меъеридан ишлаб чиқаришга тўсик бўлади.

Давони - зайтун ёғидан ташқари - барча ёғларни чиқариб ташлашдан ва 3 кунлик очликларни 7 кунлик танаффуслар билан 7 марта қилишдан бошлаш керак.

5-чи очликдан кейин жигарни тозалаш ва 7-чи очликдан кейин буйракни тозалаш амалга оширилади. (“Жигарни тозалаш” бўлимининг “3-чи кун” мавзусига қаранг.) 3 ойдан кейин 10 кун очлик қилинади. Фақат бу 3 ой давомида ва батамом яхши бўлгунча тўлиной кунларида, яъни ҳижрий ойнинг 13-чи, 14-чи, 15-чи кунларида 3 кунлик очликни тўхтовсиз давом этиши керак.

Дори сифатида қуйидаги аччиқ ўсимликлардан бири доимий равишда истеъмол қилинади:

Шувокўти ва сано майдаланиб, ярмига-ярим қилиб аралаштирилади ва 3 ҳафта давомида кунига 2 марта бу аралашмадан ярим чой қошиғи бир стакан сув билан ичилади.

Ёки:

3-5 дона аччиқ бодом, 5-7 дона ширин бодом билан аралаштириб, 3-5 ой давомида танаффусларсиз овқатланишдан олдин истеъмол қилинади.

Ёки:

Бир тутам тоза ўрмонпечаги ҳовонда туйилади. 200 гр сувга солинади ва 15-20 дақиқа қутилади. Кейин сузилади ва бутун кун давомида ютум-ютум ичилади. Ҳар куни янгидан тайёрланиб, 5-7 кун давомида фойдаланилади.

Ёки:

Ҳар сафар бир чой қошиқ қуритилган ўрмонпечанининг барги 15 дақиқа дамланади ва кунига 3 марта оч қоринга ичилади. Айни тарзда тайёрланган сариқ бўтакўз чойи билан алмаштириб, 2-3 ҳафта давомида ичилади.

Ёғли қоғозга асал суртилиб, устига майдаланган хантал уруғи сепилади ва бўйинга (бўқоққа) қўйилади. Сўнгра 3-4 қават мато қилан ўралади ва 20-30 дақиқа қутилади.

Ёки:

Ҳар куни кечқурун седана майдаланади ва эски зайтун ёғи ёки зайтун ёғининг куйқуми билан аралаштириб, тироид бези (бўқоққа) жойлашган қисмга қўйилади. Ёғли қоғоз ва мато билан мустаҳкамланиб, эрталабгача қутилади.

Ёки:

Бир микдор янги ўрмонпечанининг барги ёки янги қичитки ўти, ёки аччиқ қовун барги эзилиб, ёғли қоғоз устига суртилиб, тироидга қўйилади. 3-4 қават мато билан ўралади ва эрталабгача қутилади.

Ҳар йили баҳордан бошлаб, мавсум сўнггача салатларда янги сачратки фойдаланиш, мавсум тугагандан кейин эса сачраткининг қуруқ барглари эзиб,

салатларга ва овқатларга сепиб ёки сув билан ҳар куни 1 чой қошиқдан ичиш, ёки 1 чой қошиқ майдаланган қуруқ сачратки томирини ҳар куни сув билан ичиш жуда фойдали.

1 чой қошиқ денгиз пўпананини сув билан намлаб, овқатланишдан олдин ютиш ёки салатга қўшиб доимий истеъмол қилиш тироид безини уйғотади.

Тироид безининг умумий давоси

Бўқоққа яқин жойларига 7-9 дона, бир икки ҳафтадан кейин 9 дона зулук қўйилади. Зулуклар тушгандан сўнг улар чакқан жойларга вакум қилинади ва қонашини тўхтатилади.

2 ҳафтадан сўнг энгса чуқурининг пастига 11-14 дона зулук қўйилади. Зулуклар тушгандан сўнг қонашини тўхтатилади.

Зулук давоси билан биргаликда бошлаб, 10-14 кун давомида бир кун ёноқларнинг қулоқларга энг яқин жойларига, эртаси куни жағнинг тагига банка қўйилади. Ҳар 3 ойда бир марта такрорланади.

Зулук давоси тугатилгандан 3 - 4 ҳафта кейин қуйидаги тартибга кўра ҳафтада бир марта ҳожамот қилади. Кейин эса, ҳожамотлар худди шу тартибда ойда бир марта қилинади. Эҳтиёжга кўра, кейин ҳам ҳожамотлар давом эттирилади.

1. Елкалар, 2. Бўйин, 3. Бош, 4. Қурак суякларнинг ораси, 5. Бел ва думғазга, 6. Тиззалар, 7. Такроран бош ҳожамоти.

Бу муолажалардан кўзланган мақсад қон олдириш орқали тироид безининг томирларидаги қаттиқ тикилишларни очиш, зулукларнинг ферменти билан қондаги эрийдиган тикилишларни эритиш, банклар қўйиш орқали бу жойларда тўпланиб қолган моддани тарқатиб, тироид безида қон айланишини тузатишдир.

Очликларнинг орасидаги кунларда ҳар куни эрталаб ва кечқурун 1 чой қошиқ янги майдаланган седана + 20 мг ари сути + бироз асал аралаштирилади ва оғизда эритиб ютилади.

Ярим соатдан кейин танлашга ва мавсумига кўра, қуйидаги қоришмалардан бири пешингача 3 марта ичилади:

Қизил лавлаги суви + айна микдорда исмалок суви + 30 гр. селдир япроғининг суви;

Сабази суви + айна микдорда қизил лавлаги суви + 20 гр. петрушка суви + 20 гр. селдир япроғининг суви;

Сабази суви + айна микдорда сарсабил карами суви + 30 гр. селдир япроғининг суви ёки 50 гр. картошка суви + 150 гр. сабази суви + 30 гр селдир япроғининг суви;

150 гр. оқ қарам суви + 50 гр. қизил лавлаги суви + 30 гр. петрушка суви + 50 гр. сув.

2-3 ой давомида бу қоришмалар тироид бези билан биргаликда барча безларни мукамал шаклда тозалаб, уларнинг барқарор ишлашини таъминлайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

ТИРОИД БЕЗИ КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Эслатма: сабзавотлар суви коришмаларидан бири ичакларда газ ҳосил қилса (дам қилса), газ ҳосил қилмайдиган бошқа бир сабзавот сувини истеъмол қилишга ўтиш керак.

Бундан ташқари, қоратундак уруғини асал билан ейиш, хусусан, пишмаган ва янги терилган қоратундак уруғи бўқоқ касаллигига қарши жуда фойдалидир.

Кулупнай мавсумида ҳар куни овқат ўрнига 1-1,5 кг. кулупнай ейиш ва ҳафтанинг 2 кунини фақат кулупнай истеъмол қилиш билан ўтказиш керак.

Кулупнайда барча безлар билан биргаликда тироид безининг ҳам мувозанатини таъминлаш хусусияти бор.

Катталашган тироид безига қўлланиладиган компресслар:

Ёввойи семизўти, баргизуб, қичитқи ўти, янги узум барглари ва шодалари, ўрмонпечаги барглари эзилиб, ёгли қоғоз устига суртилади ва тироид безининг устига қўйилади. Мато билан ўраб, 5-7 соат қутилади.

Ёки:

Қичитқи ўти ёқилганидан қолган кул янги майдаланган қичитқи ўти уруғи билан аралаштирилиб, бўқоққа қўйилади. Мато билан ўраб, эрталабга-ча қутилади.

Ёнғоқ дарахтининг ҳаммаси бўқоқ касали учун шифодир.

1 ой давомида ҳар куни янги чиқа бошлаган ёнғоқлардан 3-4 дона, нўхот катталигидагидан эса кунига 2 дона ейилади.

Ёнғоқ дарахтининг янги барглари қуритилади ва чой қилиб дамланиб, қишда кунига 1/2 1-2 стакан ичилади.

Ёнғоқнинг ички қисмидаги пардалари олиниб очиқ чой рангига киргунча қайнатилади. Бу чойдан кунига бир стакан ичилади. Бу чой ва ёнғоқ баргидан дамланган чой ични қотириши мумкин. Шу сабабдан, 2 ҳафта давомида бу суюқликдан ичгандан кейин 3-4 ҳафта танаффус қилиш керак.


Пўсти қотмаган янги ёнғоқни бўлиб, лабларга текказмай, тиш ва милкларга массаж қилиш, тишларни оқартиради, тиш ва милкларни қувватлантиради, тошларни туширади, қора доғларни кетказди, бўқоқни олдини олади. Буни ёш болаларга ҳам қўллаш мумкин.

Обезит (Семизлик)

Обезит бутун дунёни ташвишга солаётган касалликлардан биридир ва бу касаллик тез кўпаймоқда. Ҳатто “Обезит хужумга ўтди”, деса ҳам бўлади.

Обезит сурункали гепатит, жигарнинг ёғланиши, сафро косасида (ўт пуфагида) тош пайдо бўлиши, диабет, юрак-томирларнинг тикилишлари, юкори қон босими, бепуштлиқ, саратон (рак), елка ва бел оғриқлари, депрессия каби жиддий касалликларга ва бошқа кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Обезитга йўлиққанларнинг вазни ортиши сабабли скелетлари деформация



бўлиши (шаклан ўзгариши) ва умрлари қисқариши ҳам ҳақиқат.

Бу касаллик тарқалашининг асосий сабаби – кўшимча моддали тайёр егулик ва ичимликлар билан озиқланиш ҳамда ҳаракатсиз

ҳаёт тарзи туфайли вужудга келадиган гормон мувозанатсизлигидир.

Ортиқча вазни инсон озиш учун аввало ўзи истеъмол қилаётган озуқаларнинг гени ўзгартирилмаганлигига диққат этиши керак (“ГМО” бўлимига қаранг.)

Сув истеъмолини кунига 1,5-2 литрга чиқариш керак. Сув иштаҳани босади, танадаги ортиқча моддаларни эритиб, ташқарига чиқара бошлайди. Организм бу ишни амалга ошириш учун кўп энергия сарфлаши сабабли вужуддаги ёғларни ёқишга мажбур бўлади.

Истеъмол қилинадиган сувнинг сифати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Енгил бўлмаган сув вазни камайтириш ишларини қийинлаштиради, организмни холдан тойдиради. (“Сув” бўлимига қаранг.)

Озишни ва соғлом бўлишни истаган кишилар рафиналанган кўшимчали туз, шакар, рафиналанган ва гидрогенлаштирилган ёғлар билан кўшимчали тайёр егулик-ичимликлардан воз кечишлари керак.

Даставвал овқатнинг миқдорини камайтирмасдан, пишган овқатга нисбатан янги мева ва сабзавот миқдорини кўпайтириш керак. Бир кунда ейиладиган пишган овқатлар миқдорини бир маротабага ва бир турга тушириш лозим.

Ошқозон ва ичакларни уларнинг ҳолатини назоратга олиб даволаш керак. (“Ошқозон ва ичакларнинг давоси” бўлимига қаранг.)

Иккинчи босқичда жигарни тозалаб, ейиладиган овқатнинг миқдорини озайтириб, рўзани кўпайтириш керак. Ҳар душанба куни 36 соатлик очлик қилиниши керак, бунга ўрганилгандан кейин, бир ҳафта оралик билан, 21 марта 3 кунлик очлик, кейин - 3 ойлик танаффуслар билан - 3 марта 10 кунлик очлик қилиниши керак.

10 кунлик очликларнинг орасида ҳар ҳижрий ойнинг 13-чи, 14-чи, 15-чи кунлари 3 кунлик очлик давом эттирилади. (“Очлик билан даволаш” бўлимига қаранг.) Обезитдан қутулиш учун рўзани доимий тутилиши жуда муҳим.

Кечқурун ётганда ёнбошлаб, қаттиқ ерда ётиш, дағал ич кийими, табиий матодан тикилган кийим кийиш тавсия қилинади.

Кийилган кийимларда озгина бўлса ҳам синтетик ип аралашган бўлса, организмдаги қувват оқимини қориштириб, заифлаштиради.

Кўп емаслик учун овқатни яхшилаб чайнаш ва бошқа турдаги таом билан аралаштирмасдан бир хил таом ейиш керак. (“Аралаш ейиш” ва “Кам чайнаш” бўлимига қаранг.)

Озуқалардан мизожга мос бўлган гўшт (“Гўшт” бўлимига қаранг), балиқ, яшил ясмик, ловия, нўхат, қуруқ кепакли нон ёки арпали нон, гуруч, эски пишлок истеъмол қилиш керак.

Кундалик истеъмол озуқаларининг аксариятини янги сабзавот, хусусан, оқ қарам, сабзи, бодринг, қизил лавлаги, исмалоқ, семизўти, турп ва петрушка ташкил қилиши керак. Мевалардан лимон, грейфрут, олма, гилос, олча, анор ейиш ва чой ўрнида розмарин, арпабодиён, жамбул, занжабил чойи ва кўк чой ичилиши керак.

Ирсий аъзоларни ва тироид безини даволашда, мисвок қўлланилиши, ҳаракат кўпайтирилиши, доим саунага бориш ва парфюмерия маҳсулотларининг ҳеч бир турини қўлланмаслик керак.

Зудлик билан хожамотни бошлаш, бел ва тиззалардан қон олдиришга эътибор бериш керак. (“Қон олдириш” бўлимига қаранг.)

Пакетланган, кўшимча моддали егуликларни ва тайёр ичимликлар (пепси-кола, мева суви ва ҳақозо) ни мутлоқо емаслик ва ичмаслик керак.

Статистик маълумотларга кўра, 2003 йилда АҚШда 60 миллион “обезит” мавжуд ва бу касаллик сўнгги 10 йил ичида 4 марта кўпайган. Илк трансген маҳсулотлар Америка маркетларида 1993 йилда чиққан ва уларни ишлаб чиқариш охириги 10 йил ичида бу мамлакатда 4 қарра ошган. Бу икки факторнинг бир-бирига қандай алоқаси борлигини тушинтириб ўтиришга ҳожаат йўқ.

Туркияда охириги 13 йил ичида гени ўзгартирилган маҳсулотлар тез суръатларда тарқалмоқда. Трансген сабзавот ва экин майдонлари, трансген мева боғлари ва сохта хид ва ранги трансген маҳсулотлар дўконларнинг пештахталарини тўлдирган. Бунга параллел равишда охириги 13 йилда обезит ҳам кенг тарқалмоқда. (“ГМО” бўлимига қаранг.)

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош